

## ГРАДУОНИМИЯ СОҲАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚИ



**Наргиза АБДУЛЛАЕВА**

докторант

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон миллий университети

[6052789@mail.ru](mailto:6052789@mail.ru)

### Аннотация

Мазкур мақолада замонавий тилшуносликнинг янги тушунчаларидан бири бўлган градуонимия ҳақида сўз боради. Бунда ушбу парадигманинг тилшуносликдаги лисоний бирликлар орасида синонимия, антонимия каби лексик-семантик муносабатлар қаторида вужудга келиши ва унинг бошқа ўхшаш лисоний ҳодисалардан ажратиб турувчи хусусиятлари ўрганилди.

### Аннотация

Статья посвящена научному исследованию одного из новых понятий лингвистики «градуонимия»; процесс появления этой парадигмы в ряду лексико-семантических отношений внутри лингвистических единиц, таких как синонимия, антонимия; особенности градуонимии, которые отличают её от других лексических понятий, схожих с градуонимией.

### Abstract

This article is dedicated to the scientific investigation of one of the new notions of modern linguistics – “graduonymy”; the process of appearing this paradigm in the row of lexical-semantic relations among linguistic units such as synonymy, antonymy; and its peculiarities that differ it from other linguistic notions, which are similar to graduonymy.

**Калит сўзлар:** эмпирик босқич, диалектик босқич, лексик-семантик муносабат, градуонимия, градуонимик муносабат, парадигма, градуал оппозиция, градация, градуаллик.

**Ключевые слова:** эмпирический этап, диалектический этап, лексико-семантическое отношение, градуонимия, градуонимическое отношение, парадигма, градуальная оппозиция, градация, градуальность.

**Keywords:** empirical stage, dialectical stage, lexical-semantic relation, graduonymy, graduonymic relation, paradigm, gradual opposition, gradation, graduality.

Тил мураккаб система сифатида ўз таркибида турли бирликлар (фонологик, морфологик, стилистик, лексик, фразеологик ва бошқалар) ва улар орасидаги муносабатларни сақлайди. Вақт ўтиши билан унинг ўзгариб бориши тилни абстракт тушунча сифатида қатъий қолипга солишнинг имкони йўқлигини кўрсатади. Тилшунослик тарихига назар ташласак, тил муайян қодаларга бўйсунувчи, бир қарашда битта жадвалга сиғдириш мумкин бўлган аниқ хусусиятларга эга, мулоқот воситаси вазифасини ўтайдиган тушунча сифатида ўрганила бошланган. Лекин вақт ўтиши билан

хар қандай тил ўзига хос мураккабликларга, унда мавжуд бўлган қоидаларга мос келмайдиган истисноларга ва албатта, доимий ўзгарувчан жараёнларга учрайдиган кўп қиррали объект эканлиги яққол кўзга ташланди. Бунга сабаб унинг онтологик ва гносеологик хусусиятларидир, яъни инсон борлиқдаги нарса ва ходисаларнинг ўз онгидаги инъикоси натижасида ўз фикрини мавжуд билими ва дунёқараши орқали тилида ифода этади ҳамда бошқаларга етказди. Борлиқнинг ўзи мураккаб ва доимий ўзгаришда. Шу сабабли уни акс эттирувчи инсон онги ҳам, уни бошқаларга етказиб берувчи восита – тил ҳам содда ва қотиб қолган тизим бўла олмайди. Ўз ўрнида тилни ўрганувчи илмий соҳа – тилшунослик ҳам кўп асрлардан буён ривожланиб, ўзининг янгидан-янги соҳаларини (социоллингвистика, когнитив тишунослик, лингвомаданиятшунослик, паралингвистика, психоллингвистика, этнолингвистика, лингвопрагматика, компьютер тилшунослиги, корпус лингвистикаси каби), назарияларини, қоидаларини, йўналишларини ва атамаларини дунёга келтирмоқда. Бунга асосий сабаб тилшуносликнинг эмпирик (тасвирий, тавсифий) босқичидан диалектик (муносабатдорлик, моҳият) босқичига тадрижий равишда ўтаётганлигидир, яъни тилшуносликнинг бошқа ён соҳалар билан алоқадорлиги ва бу алоқадорлик натижасида вужудга келувчи ўзаро таъсирлар ва хусусиятларни тилшуносликни бошқа соҳалардан ажратмаган ҳолда ўрганиш замонавий тилшуносликнинг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда. Мазкур методологик жараён нафақат умумий тилшуносликда, балки хусусий тилшуносликда ҳам ўз аксини топмоқда. Бинобарин, ўзбек тилшунослигида оддий мантиқнинг инкорни инкор, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши ҳамда диалектик мантиқнинг учинчиси шарт қонунлари асосида вужудга келган градуонимия (даражаланиш) парадигмаси айнан тил бирликлари орасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатувчи тушунча сифатида юзага келди.

Тилшуносликда лисоний бирликларнинг ўзаро лексик-семантик муносабатлари турли кўринишларга эга бўлиб (синонимия, антонимия, омонимия, полисемия, гипонимия, меронимия/партонимия, плесионимия ва бошқалар), мазкур парадигмаларда тил бирликлари уларнинг денотатив ва коннотатив семаларига таянган ҳолда классификация қилинади. Замонавий лингвистикада мазкур парадигмалар каторига градуонимия (даражаланиш) парадигмасини ҳам қўшиб қўйиш вазифаси бажарилди. Зеро, даражаланиш ходисасининг борлиқда турли-туман кўринишда мавжуд эканлиги олимлар(2) томонидан исбот қилинди.

**Градуонимия** (даражаланиш) илмий атамаси асосида лисоний бирликларнинг тилдаги муайян бир белгиси ошиб-камайиб боришига кўра

зидланиши тушунилади. Ўзбек тилшунослигида ҳозир “градуонимия”, “градуонимик муносабат” ва “даражаланиш” атамалари деярли синонимлар сифатида қўлланилмоқда(3, 6).

Градуонимия атамасининг вужудга келиши бевосита Н.С. Трубецкой(19) ва Р. Якобсон(21)нинг фонология соҳасидаги ишларида келтирилган фонемаларнинг градуал оппозициялари тушунчаси билан боғлиқ. Мазкур тилшуносларнинг ишларида фонемалардаги муайян белгининг кам ёки кўплик даражаси асосида уларнинг ўзаро зидланишлари фонемаларнинг градуал оппозициялари сифатида кўрсатиб ўтилган. Кейинроқ С.Т. Ғиёсов ўз ишида “лексик градуал оппозициялар” (даражаланишнинг луғавий қаторлари) тушунчасини қўлади ва бу тушунчани мисоллар билан ёритиб берди (умумий ижобий баҳо: *тузук – дуруст – яхши – ажойиб*; ташқи ижобий баҳо: *чиройли – кўркем – сулув – гўзал – зебо*)(8).

Градуонимия атамаси илк бор ўзбек тилшунослигида 1989 йили сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида “градуономия”(1) ҳолатида қўлланилган; бунда градуонимияга луғавий даражаланиш сифатида қаралиб, ушбу ҳодисада лексик маънолари муайян белги-хусусиятнинг турли даражалари билан боғланган лексик семантик гуруҳ (ЛСГ)лар ажратилиши айтиб ўтилди. Лисоний бирликлар муайян бир белгисининг ўсиб ёки камайиб боришига кўра ўзаро зидланишини акс эттирувчи “градуонимия” атамаси ўзбек тилшунослигида лисоний маъновий муносабатни акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий таркибий қисми бўлган *-онимия* қисмини лотинча *градус* (“даража”, “босқич”) сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалди(1, 37).

Тилда даражаланиш тушунчаси энди пайдо бўлди десак хато бўлади, аввалдан борлиқдаги нарса ва тушунчаларнинг муайян белгилари бир-бирига нисбатан даражаланиш хусусиятига эга бўлиб келганлиги инсонлар томонидан англанилиши туфайли луғавий бирликларнинг ҳам ўзаро маъновий муносабатларга кўра муайян даражаланиш қаторларини ҳосил этиши тилшуносликда қадим-қадимдан маълум бўлган. Бу каби мисолларни буюк мутафаккир адиб Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн”(4) асаридан ҳам топиш мумкин:

#### *йигламоқ*

---

*инчкирмак – инграмак – синграмак – йигламсинмак – сиқтамак – ўкурмак – ҳой-ҳой йигламак.*

Ушбу даражаланиш қаторида йиғлаш ҳолати белгиси *инчкирмак* (*изтироб чекиб жуда наст овоз чиқариб, ич-ичидан йигламоқ*) феълидан *ҳой-*

ҳой *йиғламак* (баланд овоз билан ошкора *йиғламак*) феълигача кучайиб боришини кўриш мумкин.

*ичмоқ*

*томшимак – нўш қилмак – сипқормак*

*Соқие тут бодаким, бир лаҳза ўзимдан борай,*

*Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқорай.*

*Соқие чу ичиб, манга тутар қўш:*

*Томший-томший ани қилар нўш.*

Юқоридаги байтлардан англаш мумкинки, ичиш жараёни суръатининг ошишига қараб *томшимак* (*шошмасдан ичмоқ*), *нўш қилмак* (*нўш қилмоқ*), *сипқормак* (*сипқармоқ, бирданига ҳаммасини ичмоқ*) феълларининг даражаланиш қатори тузилган.

Алишер Навоийнинг яна бошқа асарларидан ҳам маъновий даражаланишга эга сўзларнинг бир ғазал ёки бир рубоий, хаттоки бир байт ёки мисрада қўлланилган ҳолатларини кўп учратиш мумкин. Мазкур ҳолатлар шоирнинг даражаланувчи лексемалардан моҳирона фойдаланган ҳолда бадиий санъат ярата олганлигини исботлайди. Бу каби мисоллар Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Мирзо Улуғбек каби кўплаб буюк мутафаккирларимиз томонидан ёзилган ғазал ва рубоийлардан ҳам топилади.

Жаҳон тилшунослигида олимлар томонидан шу пайтгача градуонимия парадигмасига ўхшаш турли лингвистик ҳодисалар ва тушунчалар ўрганилган ва уларнинг мазкур даражаланиш ҳодисаси билан фарқли жиҳатлари ҳам мавжудлиги боис ушбу масала турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Тилшуносликдаги даражаланиш ҳодисаси билан боғлиқ айрим фикрларни қуйида кўриб чиқамиз.

Рус тилшуноси О. Есперсен ўз асарида контрап тушунчалар орасида оралик ҳолатларнинг ҳам мавжуд бўла олиши ва улар лексик бирликлар орқали ифодаланиши (*доим – баъзан – ҳеч қачон, кўп – бир қанча – оз* каби) ҳақиқат эканлигини(12, 375) айтиб ўтади. Орадан бир неча йиллар ўтиб худди шундай фикрлар С.Д. Кацнельсоннинг ишида ҳам кўрсатилди. Унинг фикрига кўра, бир рангдан иккинчи рангга ўтиш жараёнида оралик ҳолатлар мавжуд бўлади ва улар ҳам тилда сўзлар орқали ифодаланади (*қизил-қизғиш* каби). Шу билан бирга, тилшунос муайян белгининг турли даражалари билан боғлиқ бўлган фарқларни кўрсата олувчи маънодош (синоним) сўзларнинг (*илиқ – иссиқ, кичик – митти* каби) аслида бир-бирларига узлуксиз ўтишлар натижасида ҳосил бўлувчи катта қаторда жойлашувчи таркибий қисмлар эканлигини ва бундай маънодош сўзлар, одатда, бир-бирини инкор қилувчи

зид сўзлар (антонимлар) орасида жойлашувчи кўп аъзоли каттароқ қаторнинг ўзаро ёндош бўлган икки ёки ундан кўп таркибий қисмлари бўлишини айтиб ўтади. С.Д. Кацнельсоннинг фикрича, луғавий синоним қаторлар баъзида белги даражаланиши фарқларига ҳам эга бўлиши мумкин(13, 81–83).

Тилшунос олим Ю.С. Степановнинг умумий тилшунослик асосларига бағишланган асарида рус тилидаги семиз-озғинлик белгисини ифодаловчи куйидаги сўзларнинг луғавий даражаланишини кўрсатувчи қатор белгилаб берилган:

*истоцённый – тощий – худой – сухопарый – нормальный – упитанный – полный*  
 -4    -3    -2    -1    0                    +1    +2

Мазкур даражаланиш қаторида чап ёки ўнг томонлар йўналишлари бўйлаб ёнма-ён жойлашган икки сўз ўзаро синонимик муносабатларни (*истоцённый – тощий, тощий – худой, упитанный – полный* каби), 0 нуқтанинг чап ва ўнг томонларидаги қарама-қарши ўзаро мутаносиб жойлашган сўзлар эса антонимик муносабатларни (*сухопарый – упитанный, худой – полный* каби) вужудга келтириши(18, 38) айтиб ўтилади. Ю.С.Степановнинг ушбу фиклари кейинчалик даражаланишнинг синонимия ва антонимия билан бевосита муносабатини чуқур ўрганишга асос бўлди.

И.Р. Гальперин ўзининг “Stylistics” китобида климакс(градация)ни стилистик восита сифатида матндаги гапларнинг (ёки гапдаги бир турга мансуб уюшиқ бўлақларнинг) маъно ва мазмуни, аҳамияти, матннинг умумий мазмунидаги таъсирчанлиги борасидаги градуал ўсиши деб таърифлаган(10, 219–221).

Климакс (градация)га берилган ушбу таърифлар ва мисоллардан шуни англаш мумкинки, климакс стилистик восита сифатида нутқда қўлланилади, градуонимия эса ундан фарқ қилган ҳолда тилдаги синонимия, антонимия, омонимия, меронимия ва плесионимия каби лексик-семантик муносабатларни ифодаловчи тил ҳодисасидир. Ж. Жумабоева ҳам градация тушунчасини градуонимиядан фарқлаган ҳолда стилистик градация атамасининг битта матн ичида ишлатиладиган ибора, метафора, метонимик кўчма маъноларнинг кучайиб/пасайиб боришини ифодалашини, градуонимия эса, умуман, сўзларнинг денотатив даражаланиш асосидаги жойлашувини ўзида акс эттирувчи лисоний ҳодиса эканлигини(3, 81) кўрсатиб ўтади. Мазкур монографияда яна ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилган градуонимия парадигмасини рус тилшунослари С.С. Сафонова, И.И. Сушинский, Е.И. Шейгал, Ш. Балли, С.Е. Родионова ва инглиз тилшуноси Д. Болинжер каби олимлар томонидан ўрганилган *интенцификация* ҳодисасидан, Т.В.Матвеевнинг ишида кўрсатиб ўтилган *чрезмерность* терминидан ҳамда *муболага (гипербола)* стилистик

воситасидан фаркланиши исботлаб берилди(3, 82–84). Санаб ўтилган ушбу тушунчалар орасида ўзаро ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва улар орасида фақат градуонимия тил ҳодисасидир, қолган атамалар нутқ ҳодисаларини ифодалайди, чунки уларнинг ҳар бири нутқда, яъни муайян бир контекстда вужудга келувчи ўзига хос турли даражаланишларни ифодалайди.

Инглиз тилшунослигида градуонимия ҳодисасига жуда яқин турувчи иерархик таркибга эга лисоний ҳолатлар ҳақида олим Д.А. Круз ўзининг “Lexical Semantics” китобида баён қилади. Гапнинг ташкил этувчи қатламлари орасидаги иерархик муносабатини олим қуйидаги тартибда жойлаштиради:

sentence level (гап қатлами)

clause level (қўшма ёки мураккаб гапнинг содда гапга тенг қатлами)

phrase level (сўз бирикмаси қатлами)

word level (сўз қатлами)

morpheme level (морфема қатлами)(23, 183)

Шунингдек, Д.А. Круз лексик бирликларнинг ўзаро маъновий муносабатларини эътиборга олган ҳолда, уларни бир нечта турларга ажратади: 1) chains (занжир муносабатига эга лексемалар): *birth – childhood – adolescence – adulthood – old age – death*; 2) helices (спирал муносабатига эга лексемалар): *Sunday – Monday – Tuesday – Wednesday – Thursday – Friday – Saturday*; 3) circles (айланасимон муносабатга эга лексемлар): *red – purple – blue – green – yellow – orange – red – purple – ...* (мазкур лексемалар кетма-кетлиги айланма ҳаракат билан яна такрорланаверади); 4) rank-terms (мартабани англатувчи атамалар/сўзлар): *first, second, third, fourth, sixth, ...*; 5) degree-terms (миқдор ва ҳажмига кўра даражаланувчи атамалар/отлар): *mound – hillock – hill – mountain*; 6) grade-terms (даражани англатувчи атамалар/сифатлар): *freezing, cold, cool, warm, hot, scorching* (23, 187–195). Лексемаларнинг юқорида санаб ўтилган барча турларида лексик градуонимиянинг хусусиятлари кўзга ташланади: уларни ҳосил қилишда ҳеч қандай қўшимча маъно кучайтирувчи сўзлар ҳам, қўшимчалар ҳам қатнашмайди; сўзларнинг иерархик муносабатлари нутқдаги контекстуал маъноларига эмас, балки тилдаги асосий лексик маъноларига асосланиб ўрнатилади; мазкур қатор аъзолари бир-биридан даражаси билан фарқланувчи ва битта сема атрофида бирлашган сўзлардир.

Рус тилшунослигида градуонимия терминида ўхшаш бир нечта атамалар борки, улар ҳам мазкур тушунча билан бир хил талқин этилиши баъзан учраб туради. Гап С.М. Колесникова, С.А. Тихомиров, З. Тарланов, И.В. Назарова, Г.В. Киреева, С.С. Кадысева(14) каби тилшуносларнинг

ишларида алоҳида тадқиқ қилинган *градуальность, градуирование, градуатор, градусема, градацион шкала* терминлари ҳақида бормоқда. Мазкур терминлар ҳам бевосита нутққа оид даражаланиш ҳодисаларини ифодалаб келиб, улар бошқа лингвистик воситаларсиз муайян белгининг ўсиб ёки камайиб боришига кўра ўзаро зидланишини акс эттирувчи лексик градуонимия парадигмасидан тубдан фарқ қилади.

Тилшунослик тарихида “даража” атамаси кўпинча тил грамматикасидаги сифат даражаларига нисбатан қўлланилгани боис айнан грамматик йўл билан ҳосил қилинувчи сифат сўз туркумининг категориал формаси ҳисобланган сифатлардаги даражаланиш тилдаги лексик-семантик даражаланиш билан чалкаштириб юборилиши муаммоли ҳолатдир. “Градация” термини И.Р. Гальпериннинг ишларида стилистик восита сифатида ишлатилган бўлса, худди шу термин олмон тилшуноси М. Биервишнинг “The Semantics of Gradation” илмий асарида сифат даражаларига нисбатан қўлланилган. Мазкур китобда немис ва инглиз тилларидаги сифатларнинг грамматик шакллари бўлган қиёсий (comparative), тенглаштирувчи (equative) ва орттирма (superlative) даражалари ҳамда равишнинг баъзи турларидаги шу каби даражаларнинг ўзига хос семантик ва синтактик хусусиятлари батафсил таҳлил қилинган:

*Fritz ist kleiner als Hans.*

*Fritz is shorter than Hans. (22, 72–75)*

К. Кеннеди ва Л. Макнелли томонидан ёзилган мақола(24)да ҳам даражаланувчи сифатларнинг гапда кесим вазифасида келиши ҳамда уларнинг олдида қўлланилувчи даража аниқловчилари (*well, very, much, half, partially, completely, quite, really* каби) ҳақида гап боради.

Ўзбек тилшунослигида сифатлардаги даражаланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борган З.М. Маъруфов, А. Мадрахимов, А. Хамитова, Ф. Исҳоқов, М. Қўлдошев ва З. Мамаражабованинг ишларида ҳамда ўзбек тилидаги айрим дарслик ва қўлланмаларда даражаланиш ҳодисаси сифатида бевосита сифат сўз туркумининг категориал формаси талқин этилган. Хусусан, Ш. Шахобиддинова ўзбек тили морфологиясининг диалектик талқинига бағишланган ишида даража категориясини янада чуқурроқ таҳлил қилди ва даража ҳамда қиёс категорияларини фарқлаш хусусидаги қарашларини асослаб берди(5). Ўзбек тилидаги даража категориясини функционал-семантик майдон сифатида ўрганган тилшунос Л. Элмуродова даража тушунчасининг грамматик категория доирасига сиғмаслигини ва унинг сатҳлараро намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтади(7). Мазкур илмий ишда даражаланиш ҳодисаси майдон сифатида ўрганилганлигига қарамай,

ундаги даражаланиш ҳодисаси фақатгина сифат сўз туркумига хос грамматик категориялиги келтирилади, чунки ундаги белги даражасини ифодаловчи воситалар грамматик йўл билан ясалган ҳолда сифатларга бирикиб келади. Градуонимия эса айнан лисоний бирликлар белгиларининг грамматик йўл билан эмас, балки лексик ва семантик хусусиятлари орқали ўзаро фарқланишини ифодаловчи лексик-семантик майдондир.

С.Н. Переволочанскаянинг 2008 йили чоп этилган “Смысловые градации в рамках синонимических отношений” илмий мақоласида А.С.Пушкин асарларида учровчи “аёл” сўзи синонимларининг маъносидаги даражаланиш таҳлил қилинди. Мазкур синонимлар қаторига аёлнинг турли белгисини ифодаловчи мифологик исмлар ва фразеологик бирликлар ҳам киритилди: *женщина, дама, баба, жена, бабенка, богиня, царица, Венера, Киприда, Минерва, Муза, Гебея, Цирцея, Диана, Флора, перен. богорадица, в соч. крестница Киприды, наперсница Венеры, дитя Харит, рублевая Киприда, рублевая Варюшка*(16). Ушбу қаторнинг барча аъзоларини тўлиқ синонимлар деб аташ мумкин эмас. Чунки уларнинг аксарияти стилистик ва контекстуал синонимлар бўла олади. Улардаги даражаланиш қатори Пушкин асарларидаги бадий-стилистик маҳорат асосида вужудга келган мазкур лексик бирликларнинг мазмуни асосида тузилган бўлиб, бу ишда градация атамаси бадий асар тилидаги усул (приём) сифатида қўлланилган. Ўзбек тилида лексик антонимларни тадқиқ қилган Р. Шукуров антонимик жуфтликлар орасида оралиқ тушунчалар ёки мантикий марказларнинг мавжудлигини (*ўтган – ҳозирги – келаси*) кўрсатиб ўтган ҳолда, мантикий марказдан тенг узокликда ётган нуқталар ва уларни ифодаловчи сўзлар бири-бири билан антоним бўла олиши(6, б. 30)ни айтиб ўтади. Ўзбек тилидаги аслий сифатларда белги даражаси семасининг меъёридан энг кўпгача бўлиши (*чиройли – кўркам – гўзал – зебо*) ҳақидаги қараш тилшунослар Р. Жабборова ва С. Ғиёсовнинг тадқиқотларида берилди. Бинобарин, С. Ғиёсов номзодлик диссертациясида сифатларни семантик жиҳатдан фарқловчи мезон сифатида белгининг даражаланиш мезонини(11) кўрсатиб ўтади.

Рус тилшунослари Е. Арбатская ва Д. Арбатская аслий сифатларнинг ҳар бири маълум белгининг икки томондан турли нутқий даражаланишга эга ягона умумий лексик маънога, яъни ички (имплицит) даражаланиш сифатига эга бўлиши(9) ҳақидаги фикрларини ўз ишларида баён этди.

Ўзбек тилида гипонимияни таҳлил қилган Р. Сафаровнинг ишида ҳам лексик-семантик муносабатлардан бири бўлган градуонимияга таъриф берилган: “Градуонимией объединяется ряд слов, указывающих на различные степени какого-либо признака или на количественные характеристики, наличие или отсутствие чего-либо. Например: қулун, той,



ғўлон, дўлон, от”(17, 14) (бу қаторни яна давом эттириш мумкин: айғир/байтал, бия, тулпор/арғумоқ). Градуал оппозиция тушунчаси қўлланилган илмий ишлардан бири М.Нарзиеванинг ўзбек тилидаги шахсни ёш белгисига кўра атовчи отларнинг семантик структураси тадқиқига бағишланган. Унда мазкур отлар учта гуруҳга бўлиниб ўрганилган: 1) қариндошликни ифодаловчи отлар; 2) шахснинг ёшини кўрсатувчи отлар; 3) иккала хусусиятни ҳам ўзида жамлаган отлар гуруҳи. Муаллиф айнан инсоннинг ёшини ўзида ифодаловчи куйидаги отларнинг изчил қаторида градуал оппозиция мавжудлигига урғу бериб ўтади: *чақалоқ – гўдак – бола (ўғил/қиз) – ўсмир – ўспирин – йигит/қиз – эркак/аёл – қария (чол/камтур)* (15, 12). Аслида, бундай градуал оппозиция нафақат шахснинг ёшини англатувчи отлар (масалан: *қиз – жувон – хотин – камтур*) орасида, балки ҳам қариндошликни ифодаловчи отларнинг, ҳам иккала хусусиятни ўзида жамлаган отларнинг баъзилари орасида ҳам учрайди (масалан: *бобо/буви – ота/она – бола/фарзанд/қиз/ўғил – невара – евара – чевара*).

Рус ва ўзбек тилларидаги руҳий ҳолат феъллари ташкил қилган луғавий маъно гуруҳлари (ЛМГ)нинг қиёсий-типологик жиҳатларини ўз номзодлик диссертациясида ўрганган М. Файзуллаев рус ва ўзбек тилларидаги руҳий ҳолат феъллари мисолида умуман лексемалараро маъновий муносабатларнинг яна бир янги тури – градуонимик муносабатлар мавжудлиги масаласини кўтарди. У лексик градуонимия ҳақида шундай дейди: “Под лексической градуонимией понимается ряд слов, имеющих одинаковое денотативное значение, но указывающих на различную степень какого-либо признака”(20, 10).

Шу тариқа ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзбек тилшунослигида янги термин – “градуонимия” пайдо бўлди ва уни бошқа лисоний ҳодисалардан ажратиб турувчи хусусиятлари ўрганилди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан градуонимия тушунчаси умумлингвистик ходиса эканлиги исботланди ва ушбу термин турли қўлланмалар, дарсликлар ва тилшунослик терминларининг изоҳли луғатларига киритилди. Градуонимиянинг тил ходисаси сифатида тилшуносликнинг турли соҳаларида ҳамда турли тизимдаги тилларда тадқиқ қилиш замонавий тилшуносликнинг кейинги ривожига зарур ва муҳим вазифалардан биридир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989, № 6. – Б. 35–40.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1995. – 130 б.

3. Джумабева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. – 147 б.
4. Навоий Алишер. Муҳокаматул-луғатайн. 16-жилд. – Т.: Тафаккур, 2014. – 144 б.
5. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. I қисм. – Андижон, 1994. – 108 б.
6. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Т.: Фан, 1977. – Б. 30.
7. Элмурадова Л.Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони). Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т. 2011. – 26 б.
8. Гиёсов С. Ўзбек тилида субъектив баҳо сифатларининг семик тахлили. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, № 2. – Б. 28-32.
9. Арбатская Е.Д., Арбатская Д.И. О лексико-семантических классах имен прилагательных русского языка. // Вопросы языкознания. 1983, № I. – С. 52–65.
10. Гальперин И.Р. Stylistics. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 219-221.
11. Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т. 1983. – 22 с.
12. Епперсен О. Философия грамматики. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1958. – С. 375.
13. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М.-Л.: Наука, 1965. – С. 81-83.
14. Колесникова С.М. Категория радикальности в современном русском языке. Дисс. ... докт. филол. наук. – М. 1999. – С.17.
15. Нарзиева М.Д. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т. 1992. – С. 12.
16. Переволочанская С.Н. Смысловые градации в рамках синонимических отношений. // Нижегородская: Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2008, № 4. – С. 252–255.
17. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990. – С. 14.
18. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. Учебное пособие. – М.: Просвещение, 1975. – С. 38.
19. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Иностранная литература, 1960. – 372 с.
20. Файзуллаев М.Б. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т. 1994. С. 10.
21. Якобсон Р., Фант Г.М., Халле М. Введение в анализ речи // Новое в лингвистике. – М., 1962. Вып. II. – С. 173-186.
22. Bierwisch M. The Semantics of Gradation. – Berlin: Springer-Verlag, 1989. – P. 72-75.
23. Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 187–195.
24. Kennedy C., McNally L. Scale structure, degree modification and the semantics of gradable predicates // Language. 2005, № 81(2). – P. 345-381.